

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ИЛДИЗЛАРИ

ИСТОРИКО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ КОРНИ УСТАНОВЛЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКО-ПРАВАВОГО ГОСУДАРСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ

HISTORICAL AND THEORETICAL ROOTS OF ESTABLISHING A DEMOCRATIC LAW IN UZBEKISTAN

ИСМАЙИЛОВ АКМАЛ ЗИЯДИЛЛАЕВИЧ
ХОЛМҮМИНОВ ФОФУР БОБОНАЗАРОВИЧ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Тарих ва тиллар факультети “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчилари

E-mail:akmal.ismayilov@bk.ru

тел: +99899 300 32 83

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий масалалари устида илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, мақолада Ўзбекистоннинг демократик давлат қуришдаги тарихий илдизлари муҳокама марказига олиб чиқилган, шунингдек муаллифлар мамлакатдаги бугунги кунда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида ҳам баҳс юритилган.

Калит сўзлар:

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш.

Аннотация:

В данной статье проводится исследование теоретических вопросов построения демократического правового государства в Республике Узбекистан. В частности, в статье рассматриваются исторические корни Узбекистана в построении демократического государства, а также роль и важность правовых реформ в построении демократического правового государства.

Ключевые слова:

Построение демократического правового государства, совершенствование системы государственного и общественного строительства, обеспечение верховенства закона, дальнейшее реформирование судебной системы, либерализация экономики, развитие социальной сферы, обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной терпимости.

Annotation.

This article examines the theoretical issues of building a democratic legal state in the Republic of Uzbekistan. In particular, the article examines the historical roots of Uzbekistan in building a democratic state, as well as the role and importance of legal reforms in building a democratic rule of law.

Keywords:

Building a democratic state governed by the rule of law, improving the system of state and society building, ensuring the rule of law, further reforming the judiciary, liberalizing the economy, developing the social sphere, ensuring security, interethnic harmony and religious tolerance.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Унинг шакилланиш жараёни миллий-маънавий меросимизга, миллий давлатчилик соҳасидаги қадриятларимизга таянган ҳолда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Негаки ўзининг маънавий қадриятларига, меросига таянмаган, уни ҳисобга олиб умумбашарий қадриятлар, тамойиллар билан уйғунлаштира олмаган жамиятни ҳақиқий демократик жамият деб бўлмайди.

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари ҳамда умумэтироф этилган демократик принциплар асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқнинг ривожланишида янги босқичларга кўтаради. Унинг истиқбол омилларини кенгайтиради. Аждодларимиз томонидан Ўзбекистон худудида яратилган «Авесто» ана шундай давлатчилигимизнинг назарияси сифатида тарихни англашда алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов тарихчи олим ва журналистлар билан бўлган учрашувда - “...ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олимуламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”[1] деб таъкидлаб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, Мовароуннаҳр оралиғида пайдо бўлган улкан давлатчилик маданий мероси инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий давлатчилик маданияти сифатида маълум. Мустақиллигимиз шарофати билан бундай меросни миллий, демократик қадриятларнинг муҳим замини сифатида ўрганиш имкониятлари очилади.

Маълумки, Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимги манба “Авесто”dir. У эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларда аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараваш ҳам ҳисобланади. Агар “Авесто”да илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар - демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз[2].

Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида “Авесто” деярли барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар давлат тузум асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Манбада аввало, инсон эрки, унинг руҳий комиллиги масалалари устувор қўйилади. Масалан; “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман” дейилади Ясна (14) китобида. Аҳурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимилик, хурмат беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга чақиради. Каттага хурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳроқибат ва бошқа бир қатор инсоний тамойиллар борки, булар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири - бу ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуққа асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва баҳт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Аҳурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қиласи.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиши катта гуноҳ ҳисобланган: “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О Спитама, аҳдингни бузма...” (“Яшт”, Х боб.)[3].

Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, “Авесто”нинг “Ясна”, “Виспрат”, “Яшт”, “Видевдат” китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ хисобланади. Боз устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланиш манбаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа “Авесто” Грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукаммаллиги билан таъсир кўрсатган. Жумладан, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озвиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гурухларнинг ҳуқуқи, мол-хол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятнинг турлари ишлаб чиқилган. Шунингдек «Авесто»да ўғрилик ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил этиш каби бошка ҳуқуқий принциплар ҳам ўз ифодасини топган[4].

Маълумки, демократик жамият асослари давлатда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий принципларнинг тизими ўхлитлиги мавжудлигига намоён бўлади. Айни пайтда, улар умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда бўлишига асосланади. «Авесто»да бундай қадрият ва принциплар шакллантирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Буни анъанавий ҳокимият негизлари ва бошқарув шаклларида кўриш мумкин[5].

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун умум бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж умуминсоний қадриятларнинг назарий мезонларини шакллантирган. Айни пайтда, кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлик даврларида янги маърифий таълимотлар ҳалоскор ғоя сифатида ҳам вужудга келган. Айнан IX ва XII асрлар ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун кураши ва бунда ҳуррият ва инсон эркинлиги билан боғлик ғоялар миллатни маънавий юксалишга чақиради. Дунёга машҳур Ҳоразмий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи, тарихчи олимлар, шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмuni, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё Уйғониш даври деб тарихга киради.

Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар давлатчилигимиз назариясининг вужудга келишида қуйидагиларга асосланган ҳолда талқин этилади:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва дунё мамлакатларининг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса табиий-фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиши, табиатшунослик илмларининг ривожи, рационализм, ақл кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввuri, илмининг асоси деб хисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, рухий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялаш.

4. Универсаллик - қомусийлик, барча табиат ҳодисалари билан қизиқиши ва унинг моҳиятига интилиш.

5. Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлариниadolat, ахлоқ принциплари асосида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантирилиши.

6. Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, масъулияти мезонлари тизимининг назарий негизларининг яратилиши.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур таҳлили, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган мамлакатимизда фаол равишда амалга оширилаётган дастурли характердаги стратегик ҳужжат «2017 —

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг устувор йўналишлари белгилаб берилган[6].

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистонда демократик қадриятларни муҳофаза қилиш ва уларни фуқаролар турмуш тарзига сингдиришда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда[7]. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси принципларига риоя этиш, хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда халқаро хуқуқ нормалари ва ривожланган давлатлар тажрибасини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг конституциявий-хуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари, конституциявий қоидалар асосида давлат ва жамиятни модернизация қилиш борасидаги илғор халқаро тажрибага таянган ҳолда ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами 7 жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 132-бет.
2. Nazirov H.H., Ismayilov A.Z., &Rasulov A.N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых*, 6(75), 64-65.
3. Исмайилов А.З. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тарихий назарияларда маданий омилларнинг устуворлиги масалалари. “Фалсафа ва хуқуқ” журнали 2019 йил №1. 79-81 бетлар.
4. Hojijev R.B., Xolmo'minov G.B., Sharipov M.L. Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in uzbekistan. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 5, 2020, Part II ISSN 2056-5852.
5. Исмайилов А.З. (2020). Демократик фуқаролик жамияти ва унда хуқуқий онгни билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 202-210.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // <http://www.lex.uz>.
7. Холмўминов F. Таълим тизимида методлар ва инноватцион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги. "Science and Education" Scientific Journal October 2020. 472-475 – бетлар.